



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 38 [14.089]

Баҳоси эркин нарҳда

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожига, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март кунин Хоразм вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Хазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудига жойлашган бўялган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган "Develop Textile" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Кўк" ва "Хазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 августдаги "Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида "Хазорасп" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдими билан танишибди, ҳудуд иқтисодиётига тўғриван-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Аини кунда ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб боришмоқда.

"Хазорасп" эркин иқтисодий зонаси учун Хазорасп туманининг 2 та ҳудуддан 325 гектар бўш ер майдони ажратиб берилган эди. Қурилиш ва инфратузилма тармоқлари барпо этиш харажатларини камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини биринчи навбатда бўш турган бино ва иншоотлар негизда жойлаштириш бўйича таклифлар ўрганилиб, яна 7 та ҳудуддан 89 гектар майдон эркин иқтисодий зона ҳудудига қўшиб берилди. Натيجида "Хазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудуди Боғот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенгайиб, жами 414 гектарга етди.

Бугунги кунда "Хазорасп" ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўндан ортиқ лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ва сендвич панеллар, ювчи воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қуёш батареялари, стерилланган бир марталиқ тиббиёт кўлқоплари ва пойафзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилди ва яна 500 дан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Тиббиёт тест таъқчалари, маиший техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўлаштирилди. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Маъруз лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Эркин иқтисодий зона ҳудудига алоҳида божхона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғриван-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

"Develop Textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудига истиқболли лойиҳалардан бири. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари якунланган. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддас ҳарбий хизматга навбатдаги қақриуви ҳамда белгиланган хизмат муқддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервинга бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида муқаддас ҳарбий хизматга қақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими ўтказилди.



ЙИГИТЛАР МУҚДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЖўНАБ КЕТДИ

Юнусобод тумани ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, бўлажак аскарлар, уларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга ошириладиган ички ислохотлар юксак самара бераётгани, ҳарбий хизматга ёшларимизнинг қизиқиши ва иштироки тобора ортиб бораётгани, Ватан ҳимоячиси бўлиш юксак шарафга айлангани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилнинг 6 март кунин Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматга қақриш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, ёшларни ҳарбий хизматга қақришнинг янги тизими амалиётга жорий этилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимиз ҳар қандай ҳавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали ягона куч сифатида шаклланди. Тизимда олиб борилган ислохотлар халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини янада оширди. Бироқ ёшларни армияга саралаш ва ҳарбий хизматга қақришнинг амалдаги ҳолати бугунги кун талабига тўлақонли жавоб бермаслиги инобатга олиниб, бу борада янада самарали тизим ишлаб чиқишни тақозо этди.

Одинлари қақрилувчиларни муқдатли ҳарбий хизматга қақриш тўғрисидаги қарор туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи томонидан қабул қилинган бўлса, янги тизимда маъруз қарор Қуролли Кучларни бутлаш комиссиялари томонидан амалга ошири-

лади, — деди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Суҳроб Худойқулов. — Қақрилувчиларни яқиний тиббий кўриқдан ўтказиш масъулияти ҳарбий госпиталларнинг ҳарбий шифокорлари зиммасига юклатилди. Бундан ташқари, биринчи тақдорловчи тиббий комиссиялар, яъни муқобил ҳамда ҳарбий қисмларда ўтказиладиган тақдорловчи тиббий комиссиялардан воз кечилди. Шунингдек, маъруз қарор билан вилоятлар кесимида Раҳбарият кенгаши, Ҳарбий-тиббий комиссиялар, туманларда эса Қуролли Кучларни бутлаш комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, улар Раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий, бутлаш ва ҳудудий тиббий комиссияларнинг самарали фаолият юритиши учун шаҳсан масъулдир.

(Давоми 2-бетда)

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГўЗАЛ ВА ОБОД БўЛСИН!

14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади



Тўя тантаналар ўтказиладиган манзиллар қиёфасини бир кўз олдингизга келтиринг. Ҳаммаёқ саришта, ҳаммаёқ озода, ҳаммаёқ саранжом... Бу — инсонинг тутуми. Қадимий таомил. Аслида эса бунин одам боласи табиатнинг йўригидан ўрганган бўлса ажаб эмас.

Мана, янгилаш фасли келиши билан она-табиатнинг ўзи заминга сайқал берапти. Ён-атрофини яшиллик буркамолда, дарахлар шоҳларига гулу чечаклар тақабтир. Лекин баҳор нафасига ҳамоханглик зарур. Табиатнинг ишига ҳам кўмак керак. "Наврўз"нинг қадимий фалсафаси — шу! Қолаверса, бу умумхалқ байрами олдидан ўтказиладиган аънавий хайрия ҳашарларининг асл моҳиятини ҳам яққол ифода этади.

Қадрияда қадримиз бўлсин, дейди ота-боболаримиз. Мана, ўша қадрияларимиз қадр топадиган дамларга санокчи кунлар қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, жорий йил 14-15 март кунлари мамлакатимиз ва хусусан пойтахтимиз бўйлаб "Обод юрт" умумхалқ ободонлаштириш ва кўчаларнинг янги хайрия ҳашари ўтказиладиган бўлди.

Этибор берган бўлсангиз, бу йилги ҳашарга алоҳида ном берилди — "Обод юрт". Демак, кимки Ватан ободлигига муносиб ҳисса қўшишни истаса, марҳамат, умумхалқ ишига дохил бўлсин!

Аслида, бундай кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўчаларнинг янги хайрия ҳашари элнинг жипслигини синовдан ўтказди. Шу сабабли бўлса керак, неча асрларки, бу аънава барҳаёт. Ҳашар дейилса, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар белини маҳкам боғлаб эзгу ишга отланди.

Ҳўш, бу йилги умумхалқ хайрия ҳашарида қандай ишлар бажарилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда ҳукуматимиз фармойишида алоҳида вазифалар белгилан-

ган. Чунонки, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари умумхалқ ҳашари ўтказиладиган кунлари ўз ҳудудларида дарах ва гул кўчатлари экиб, боғ ва гулзорлар яратиб, маҳаллалар, таълим муассасалари, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва қабристонларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш ишларига бош-қош бўладилар.

Ҳашар кунлари ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди.

Умумхалқ ҳашари доирасида бўлмаган бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан, қурилиш-таъмирлаш ва кишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этилишига қатъий йўл қўйилмаслиги ҳам ҳужжатда алоҳида қайд этилган. Бинобарин, автомобильлар сарқатган йўллар, сув объектлари, киргокбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонлар ҳаёти ёки соғлиғига ҳавф тугилши мумкин бўлган бошқа жойларда ихтиёрий ташаббус билан ҳашарлар ўтказиш таққиланди.

Бундан ташқари, умумхалқ хайрия ҳашари доирасида 14 март кунин республика миқёсида ёшлар иштирокида экологик акциялар ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

14-15 март кунлари барча юртдошларимиз умумхалқ ишидан четда турмайди, деган умиддамиз.

Фаррух БўТАЕВ

ЖУРНАЛНИНГ МАХСУС СОНИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency" меҳмонхонасида Озарбайжоннинг халқаро миқёсда нашр этиладиган "Тарихий шахслар" журнали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Йил одами" деб эътироф этилиши муносабати билан ушбу нашрнинг Ўзбекистонга бағишлаб чоп этилган махсус сони тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари, жумладан, қатор хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз тегишли вазирлик ва идоралари мутасаддилари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев, "Тарихий шахслар" журнали Бош муҳаррири Халил Караҳмедов ва бошқалар Президентимизнинг "Йил одами" сифатида эътироф этилиши унинг фаолиятига берилган ҳаққоний, адолатли баҳо бўлиб, мамлакатимизда нисбатан қиска муқддатда мисли кўрилмаган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилгани, бугунги кунда дунёга юз чаётган, том маънода янгилаётган Ўзбекистон эришяётган натижалар бевосита Шавкат Мирзиёев номи билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Элчихона ҳузуридаги Гейдар Алиев номи Озарбайжон маданияти маркази кўмағида чоп этилган "Тарихий шахслар" журналининг рус тилидаги махсус сони ("Исторические личности")да, жумладан, шундай дейилган:

"Тарихий аънаваларни тиклаш йўлидаги сермахсул фаолияти, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий нуфузини жаҳон миқёсида оширишдаги мислсиз сазй-ҳаракатлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Озарбайжоннинг "Тарихий шахслар" халқаро журнали Таҳрири ҳайати аъзоларининг яқдил қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилда "Йил одами" деб эътироф этилди".

"Тарихий шахслар" журнали халқаро миқёсда ўзига хос обрўга эга нашр ҳисобланади, — дейди Гусейн Гулиев. — "Йил одами" танловининг ҳам нуфузи жуда юқори. Сабаби, "Йил одами"ни эълон қилишдан олдин ҳайъат аъзолари нафақат Озарбайжонда, балки МДХнинг турли мамлакатларидаги таниқли сиёсатчилар, давлат арбоблари ва жамоатчилик ўртасида сўз ўтказди. Кейин фикр-мулоҳазалар йиғилиб, ўрганилади, таҳлил қилинади. Шундан сўнг яқиний қарор чиқарилади. Бу гал аксарият мутахассислар бир неча номзод орасидан айнан Президент Шавкат Мирзиёевга овоз беришган. Бу жуда адолатли қарор. Зеро, давлатнинг раҳбарининг сўнги уч йиллик фаолиятини кузатиб, таҳлил қилиб кўрилса, бошқа номзодни танлашнинг илоҳи йўқ эди. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатда улкан ижобий ўзгаришлар юз бераётганини бутун жаҳон ҳамжамияти кўриб турибди. Энг муҳими, Ўзбекистон халқи ўз Президентини кўллаб-қувватламоқда.

Таъкидлаш жоизки, Озарбайжонда 2006 йилдан буён чоп этиладиган ушбу журнал аънавий равишда давлат раҳбарлари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари орасидан "Йил одами"ни эълон қилиб келади. Ҳозиргача бундай шарафли номга Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғун, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин сингари машҳур шахслар сазовор бўлган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Абдувоҳидов ва Р.Қосимов иштирок этди.

Файрат ХОННАЗАРОВ,
Озода БЕКМУРОДОВА,
Ўза муҳбирлари

XXI саҳоси
Барча манбалардан олиналган сўнги кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда йигитларнинг дастлабки гуруҳи муқдатли ҳарбий хизматга кузатилди. Маросимда аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналарига, жамоатчилик вакилларига ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарафлар ҳақида маълумот берилди. Ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитларга вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кен-

гаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

● Шеробод туманида ташкил этилаётган "Ёшлар боғи"дан кам таъминланган оилаларда яшаётган 120 нафар ишсиз йигит-қизнинг ҳар бирига 20 сотихдан ер майдони ажратилди. Шу муносабат билан "Ёшлар боғи" барпо этилаётган Гулистон маҳалласида фойдаланишдан чиқиб қолган кенг адирликда "Бир миллион туп кўчат" акцияси бўлиб ўтди. Шу кунин акция иштирокчилари қайта тикланган майдонга ҳашар йўли билан турли арча ва ёшларга тақсимлаб берилган майдонларга анор кўчатларини қадади. Деҳқон хўжалиғи сифатида фойдаландиغان ёшларга 20 сотихдан ер майдони ажратилганини тасдиқловчи сертификат топширилди.

● Сингапурнинг "OnePetra Holdings Pte Ltd" компанияси бошқарув кенгаши раиси Деннис Лоук ишбилармонлик таш-

рифи билан Наманганга келди. Вилоят ҳокимлигига бўлиб ўтган учрашувда Наманган вилояти ҳокимлиги ва "OnePetra Holdings Pte Ltd" компанияси ўртасида умумий қиймати 110 миллион доллардан зиёд товарчилик фермаси, паррандчилик фермаси ва бу икки ферма маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси барпо этади. Бундан ташқари, сингапурлик ишбилармонлар билан балиқчилик кластери органик ўғит ҳамда балиқлар учун ем маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иттифоқлаштирилган корхонани бунёд этиш юзасидан 3 та инвестиция келишуви имзоланди.

● Андижон шаҳрида инновацион нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Тадбиркор Абдулхамид Каримов сазй-ҳаракати билан барпо этилган ушбу маскан болажонлар, ота-оналар учун ҳақиқий байрам тўҳфаси бўлди. 150 ўринга мўлжалланган ушбу инновацион муас-

сада болаларни мактабга тайёрлаш, интеллектуал салохиятини юксалтириш, ҳар жихатдан етук ва баркамол воғга етишлари учун барча зарур шароит яратилган. Эътиборлиси, икки қаватли замонавий бинонинг ҳар бир хонаси маълум фанга, касбга йўналтирилган ҳолда дид билан, қизиқарли маълумотлар асосида жиҳозланган. Муассасанинг ишга тушиши билан 25 та янги иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

● Афғонистоннинг Филминд вилоятида АҚШ қуроллари қулчари "Толибон" ҳаракати жангариларига авиазарбалар берди. Бу ҳақда Америка қуролли қулчари вакили таяниб Reuters хабар берди. Унинг сўзларига кўра, авиазарбалар Афғонистон қуролли қулчари пунктларига ҳужум қилган толиблардан ҳимояланиш мақса-

дида берилган. 29 февраль кунин Қатар пойтахти Доҳада АҚШ ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тинчлик келишуви имзоланди. Келишувини АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ҳамда "Толибон" этракисининг ўринбосари, ҳаракатининг Қатардаги офиси раҳбари мулла Абдулла Фани Бародар имзолади. Аввалроқ АҚШ БМТ Хавфсизлик кенгашига "Толибон" ҳаракатидан террорчи мақоми ва санкцияларни олиб ташлашни сўраб мурожаат қилган хабар қилинганди.

● Кеча Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти коронавируснинг барча қитъаларга тарқалиб, жами 126660 нафар одам касалланганини ҳисобга олган ҳолда, пандемия даражасига етганлиги ҳақида баёнот берди. Таъкидлаш жоизки, Хитой, Италия, Жанубий Корея ва Эрон коронавирус энг кўп тарқалган мамлакатлар қаторига кириди.

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкнинг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мажбурий қўриқилган бўлиб, мутахассислар ва тижоратчилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни қўлайлаштириш орқали пахта хомашисини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўрни яратилади. Корхона йилга 4 минг тонна ҳар хил турдаги бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион дона трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

“Хазорасп” ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировадда аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга ҳизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодий тараққиётни, юртимиз раванги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўйилади.

Шу ерда Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ҳудудларининг жойлашуви, инфратузилмани ривожлантириш, автомобиль йўлларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш, камбағалликни қамқайтириш ва бошқа лойиҳалар ҳақда ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари кўп йиллик лойиҳалар тузишдан воз кечиб, қисқа муддатли, самарали, бир йиллик лойиҳаларни қўлайлаштириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Янгирлик туманидаги “Global Food Impreks” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхона қўлидан кечирди.

“Global Food Impreks” МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхона помидор ва бодиринг етиштирилмоқда. Янгирликда қурилатилган 10 гектарлик иссиқхона эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда кулпунга, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Президентимиз таширф буюрган иссиқхонада йилга 3 минг тоннадан зиёд бодиринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нави “Юсупов” навиға ўхшайди. Гектарига 400-450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25-28 кун яқин сақланади, сарқилиш хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни қўлайлаштирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга руҳсат бериш ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Маҳсулот Янгирликдан Москвага ҳақ машиналарида 2,5-3 кунда етказиб берилди. Қуни кеча илк бор Санкт-Петербургга 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир кўчат кокос дарахти пўстлоғи билан махсус ўрамга экилади. Томчилати суғорилади, ўсимликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилди.

Кокос ўрани Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тадбиркорларимиз кўп маблағ сарфлайди. “Global Food Impreks” МЧЖ раҳбари Алишер Маткаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг кўп ишлатиладиган ва жуда зарур калий нитрат ўғитининг 23-24 тоннага юкланган катта юк машинаси Янгирликда иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Бизда ишлаб чиқарилса, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айлиши мумкин.

Тадбиркор кокос дарахти пўстлоғи озқаси ўрнини босувчи табиий манбани ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Ҳозирча иссиқхонани туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўргатадилар. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Ҳозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иқтидорига қараб 10 миллион сўм ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни муваффақият юрғати олиш даражасига етгач, ёш агрономларга 40 миллион сўмгача ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона саноатида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яқин ишлаганларга қунийк, ҳафталик пул мукофотлари берилди. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териш ва қадоклаш билан шуғулланади.

– Қишлоқ ҳўжалигида илм, янгича дунёқараш пайдо бўлди. Мана, ишнинг кўзини билса, катта даромад олиши мумкинлигига мисол. Хоразмнинг ери шўр. Шундай жойларда замонавий иссиқхоналарни қўлайлаштириш, 100-200 гектарга етказиш керак. Ҳам одамларга иш жойи, ҳам экспорт бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Янгирлик туманидаги “Хоразм пилла холдинг” корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллахона бўлган. Шу атрофда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббус билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйла бошлагани янгирлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган “Хоразм пилла холдинг” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилади. Бунинг учун тадбиркор 1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипак, ипак момиги ишлаб чиқарилади, 50 дона замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кўтилмоқда.

Хоразмда пиллани қайта ишлаш бўйича илғор тажрибала оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда “Хоразм ипаги”, “Khiva silk fabric”, “Urganch silworm pro” ва “Хоразм пилла холдинг” каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 маҳсулот иш ўрни яратилиши мақсад қилинган.

“Хоразм пилла холдинг” корхонаси жорий йил охирига қадар “Afghan Bazar Carpets” хорижий корхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипак, жун ва пахта толаси аралашмасидан қўлда гилам тўқиш цехи очилиши режалаштирилган. Бу яна 200 хотин-қизлар иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тўзторлар ташкил қилишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёни қамраб олади. Маҳсулотлар Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилинади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулидаги корхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

– Хом ашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараён ҳар бир туманда йўлга қўйилиши керак. Бу жараёнга асосан тадбиркорларни жалб этиш яқин самара беради. Ўзбек ипак маҳсулотларига бозор бор экан, бу каби кластерларни қўлайлаштириш, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” мажмуасига таширф буюриб, Амир Тўра мадрасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Маълумки, Хива жаҳон миқёсида тарихий шаҳарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очқос осмон остидаги музей, дея эфирот этилаётган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

“Ичан қалъа”да халқимизнинг ноёб меъморлик анъаналари, ажодларимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандлиги, санъати ва маданияти ўз ҳолича сақланиб қолган. Маъмурадаги 58 та тарихий-маданий мерос объектидан 17 тасида турли мўъайлар жойлашган.

Маъмурадаги тарихий обидаларни асл ҳолича сақлаш мақсадида реставрация ва консервация ишлари олиб борилмоқда. Музей-қўриқхонанинг шимолӣ қисмида, аҳоли истиқомат қилмайдиган ҳудудда жойлашган Амир Тўра мадрасаси жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг 9,5 миллион долларлик грант маблағи ҳисобидан қайта тикланди. Натигада ушбу иншоот “Ичан қалъа”даги туристик объектлардан бирига айланди.

Мадраса 1872 йили барпо этилган. Чор Россиясининг Хоразмга ҳўжуми туфайли обида қурилиши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморлигига ҳос тарзда икки қаватли қилиб қурилган. Бу ерда 54 та ҳўжа бўлиб, икки саҳн қошим билан қопланган. Шунингдек, 2 та гўмбазли хона, қишки ва ёғги масжидлар, дархона бўлган.

Давлатимиз раҳбари “Ичан қалъа”да халқимизнинг бебаҳо маданий мероси муҳасам эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар ажодларимизнинг тарихий ўзига ҳослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

– Тарихий биноларни сақлаш ҳамма даврларда энг катта муаммо бўлиб келган. Хива Ўзбекистонда тарихий обидаларни таъмирловчи реставраторлар мактаби бўлган. Бугун ана шу мактабни қайта тиклаш вақти келди, – деди Президент. – Амир Тўра мадрасаси реставраторларни ўқитадиган мактаб бўлади. Бу ерда усталарга Самарқанд, Фарғона, Кўқон реставрация мактаблари анъаналари ўқитилади. Сайёҳлар кундузи реставраторлар ишини кўрса, кечки пайт бу ерда тарихий саҳналар, хон қабуллари намойиш этилади. Шундай қилса, бу обидаларда ҳаёт қайнайди.

Туризм мамлакатимизда стратегик соҳалардан биридир. Хоразм вилоятида ҳам бу борада улкан салоҳият мавжуд. Ундан оқилона фойдаланиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоятда туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Мажбурий дастурда Хоразмнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган. Унга кўра, келгуси икки йилда вилоятда 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Туризм лойиҳалари вилоятнинг барча туманларини қамраб олади.

Жаҳонда кузатилаётган коронавирус таҳдиди туризм бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бунинг олдини олиш ва соҳани барқарор ривожлантириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилди. Давлатнинг институционал қўлига, ҳўкуматларга ҳамкорлик, логистика, туризм салоҳияти тарбияти, ички туризм ойлғи ва ҳафталиклар, “Ўзбекистон бўйлаб саяҳат қил” лойиҳалари ана шундай чоралар сирасига киранди. Шунингдек, минтақавий туризм лойиҳаси орқали коронавирус тарқалмаган қўшни давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириладиган бундай тадбирлар натижасида 580 минг хорижий сайёҳни жалб қилиш ва туризм хизматлари экспортдан 94 миллион доллар даромад қўриш режалаштирилган. Шунингдек, ички туризм орқали 5 миллион юрдошимизнинг сайёҳларини ташкил этиш ва қўшимча 840 миллион сўм тушумга эришилади.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда таълим йўналишида лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Хоразм вилоятида Малайзиянинг “Binaru” университети филиалини, Урганч давлат университетиде маданий меросни бошқариш, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик йўналишларини очилар ре-

жалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда ҳар йили туризм йўналишида 50-60 нафар малакали кадр тайёрланади.

Хоразм лозимий ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда Япония, АҚШ ва Европа давлатларида лозимий қизиқиб ортиб бормоқда. Ушбу санъатни ёшларга етказиш, хорижликларга маҳорат дарслари ўтиш учун Хоразмда лозим академияси ташкил этилади. Бу ҳам халқимизнинг номоддий маданий меросини дунёга тарғиб этишга ҳизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортиқ балиқчилик фермер ҳўжалиги мавжуд. Бу гастрономик туризмни ривожлантириш учун қўлай имкониятдир. Ундан фойдаланиш мақсадида 71 та қўлда халқаро стандартлар даражасида ҳизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Афсуски, бизда ҳозир фақат балиқ ови ва гастрономик хизматлар кўрсатилади. Аслида Хоразмда биргина ушбу йўналишни ривожлантириш ва келгусида Хоразмни балиқчилик, яъни “Fishing culture” марказига айлантириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Франция ва Россия телекомпаниялари билан Хоразм балиқчиликка бағишланган кўрсатувлар суратга олинмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда туризмнинг роли катта. Хоразм мисолида “Туристик маҳалла”, “Туристик қишлоқ” концепциялари ривожлантирилади. Бунинг учун тўртта қишлоқ ташлаб олиниб, уларда саксонга яқин мекон уйлари барпо этилиб, ҳудудларнинг ҳунармандлиги, агро ва этнотуризмни кўрсатиш мўлжалланапти.

Вилоятда тематик парклари ривожлантириш бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, Хоразм заминидан қўллаб буюқ ажодларимиз етишиб чиққан. Уларнинг мум ҳайкаллари ва фото зоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Улардан дастлабки тўрттаси “Ичан қалъа”да ўрнатилди. Илг охиригача ўндан зиёд ажодларимизнинг ҳайкаллари ўрин олади.

Хива туманида “Анор”, “Анқир”, Янгирлик туманида “Менонит қишлоғи” тематик парклари барпо этилади. Натигада қўллаб янги иш ўринлари яратилади, ҳудудларнинг туризм ҳўзибардорлиги ортади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шаҳарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

– Бизники сингари буюқ тарих ер юзюда жуда кам. Жалолиддин Манғубердидек буюқ ажодларимиз билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Боболаримиз тарихини ўргатадиган маканларни қўлайлаштириш, ҳам даромад келди, ҳам халқимизга тарихимизни ўргатамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Хива шаҳридаги бирорта обиде эътиборсиз қолмаслиги, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида дунёдаги гўзал туристик маканлардан бирига айланishi лозимлигини таъкидлади. Вилоятда туризмни ривожлантириш борасида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабиде яратилган шараит билан танишди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда билимли ёшларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Президент, ижод ва иқтисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани мактаб таълимини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш, барча соҳалар учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга имконият яратмоқда.

Президент мактабларининг дунёда мўқобили йўқ. Ушбу ўқув даргоҳларида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чоралар-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида дастлабки Президент мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқи равишда илҳам ва билим олиш учун қўлай. 2019 йил сўнгига фойдаланишга топширилган билим мактаби вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилиши ҳам инновацион ёндашилган. Мактаб кўтубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг “STEAM” дастури бўйича дарслик ва ўқув қўланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратди.

2019/2020 ўқув йилида 5-10 синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабиде дарслар Кембриж университетини экспортлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилди. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шараитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Мана шундай маканларда қўллаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётида энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришаётган ютуқлар, юртимизга тегаётган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёнларини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига таширфи давом этмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА ЭЛЧИЛАРНИНГ ҲИСБОТИ ЭШТИЛДИ

2020 йил 12 март кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Европа мамлакатларидаги Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ҳисботи эшитилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 20 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланди.

Мажлис ишлари Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Сенат аъзолари, республиканинг алоқадор вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳамда вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Европа мамлакатларидаги Ўзбекистон дипломатик миссиялари раҳбарлари томонидан хорижий мамлакатлар билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича “Йўл хариталари”ни ижро этиш ўзидан амалга оширилган ишлар, шу жумладан, экспортни кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва республика ҳудудларига туристлар оқимини оширишга қаратилган аниқ лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисботлар тақдим этилди.

Ўтказилган очқос ва мақсадли муҳомада дипломатик миссияларнинг барча масалалари ва устувор вазифалари кўриб чиқилди, уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди ҳамда хорижда республиканинг иқтисодий манфаатларини тарғиб қилишдаги тизимли камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Мамлакат ҳудудларида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида Ўзбекистоннинг қатор элчихоналари фаолияти қўлайлаштирилгани қайд этилди. Шу билан бирга, айрим дипломатик миссиялар раҳбарларининг фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги қайд этилди.

Дипломатик ваколатхоналар раҳбарларига батафсил тавсиялар берилди ва улар олдиға ўз фаолияти натижадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлис аъзолари бўйича Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот ҳизмати

“ЎЗЛТЕХСАНОАТ” УЮШМАСИ РОССИЯГА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ 3 БАРАВАРГАЧА ОШИРИШ НИЯТИДА

Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида “Ўзлтехсаноат” уюшмаси томонидан “Road Show” форматида бизнес-форум ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг маиший техника ишлаб чиқариш саноати салоҳиятига бағишланган тадбирда “Ўзлтехсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси Мирзиёв Юнусов уюшма таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2019 йилда 250 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинганини маълум қилди. Шундан сотилган 24 миллион долларга яқин маҳсулот Россия Федерацияси ҳудудига тўғри келди.

Форумда Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги Фавкулда ва муторт элчиси Ботиржон Асқодов ва “Ўзлтехсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси Мирзиёв Юнусовлар сўзга чиқди. Мирзиёв Юнусов бу каби тадбирлар орқали Ўзбекистоннинг Россияга электротехника маҳсулотлари экспорти ҳажмининг 2-3 бараварга ошириш мақсад қилинганини айтиб ўтди.

Форумда Россия Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, инвестиция соҳаларида ишончли ҳамкори экани қайд этилди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари натижасида стратегик шериклик муносабатларининг янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Шунингдек, мулоқот чоғида олий даражадаги таширфлар натижалари ҳусусида сўз юритилиб, ҳамкорликнинг янги йўналишлари юзасидан шерикликни мустаҳкамлаш масалалари муҳомада қилинди.

Бизнес-форум иштирокчилари маиший техника маҳсулотлари соҳасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича музокаралар ўтказди. Россиялик тадбиркорларга Ўзбекистонда электротехника саноатини жадал ривожлантириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириб, хорижий шериклар учун Ўзбекистон ҳудудига тўлов қобилиятига эга бизнес шериклар топил имконини ошонлаштирилган.

Музокаралар натижасида уюшма таркибига кирувчи корхоналари билан “ПарусЭлектрон” компанияси ўртасида ҳамкорлик келишувига эришилди.

Форум доирасида Ўзбекистон маиший техника воситалари ишлаб чиқарувчи – “Vitech”, “SAM-Ferre”, “Artel”, “Ideal” каби корхоналар томонидан маҳсулотлар ва инвестиция лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

– Ўзбекистон иқтисодиёти эришган ютуқларнинг асосий омилли мамлакатда хусусий бизнеснинг қўллаб-қувватлаётганидир, – деди “Sigma Trade” компанияси бош директори Рустам Тазиев (Россия). – Яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар янги бозорларга кириб бормоқда. Жумладан, Россияда ҳам Ўзбеки

Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!

Бу йил Наврўз юртимизга тамомила янгича бир шукуҳ ва тантана билан кириб келмоқда. Бугунги кунда жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, юксалишлар жараёнида юртимизда яшаётган барча миллатлар билан бир тану бир жон бўлиб, улуснинг улуг айёми – Наврўзга пешвоз чиқаямиз.

Мамлакатимиз раҳбари “2020 йил Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан ана шу катта “тўй”га катта тайёргарлик кўриш жараёнида яна бир эътиборимизни халқимизнинг миллий қадриятларига, анъаналарига, азал-азали ўзлигимизга қаратаёти. Зеро, Наврўз бу шунчаки байрам эмас, халқимизнинг тарихи, маданияти, фалсафий қарашларини ўзида мўжассам этган, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга уйғун, Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан эътироф этилган байрамдир.

Хар бир халқнинг ўзига хос шундай қадрият ва анъаналари бўладики, у миллатнинг борлигини, улуглигини намоеён этиб туради. Миллат билан бирга яшайди, бирга улғаяди, тараққий топади. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган Наврўз ҳам қадимий бўлиши билан бирга, хар йили биз билан бирга янгиланиб, англаниб бораётган улуг ва навқирон бир байрамдир.

Қарорда Наврўзни муносиб кутиб олиш ва уни ўтказиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар белгилаб берилган. Миллий юксалиш ва тараққийнинг янги бир босқичига қадим қўйган мамлакатимизда Наврўзга ўшган азал-азали қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилган.

Белгилаб берилган вазифалардан бири республикамизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларда бўлиб ўтадиган байрам тадбирларида “Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мўжассам этадиган маданий-маърифий тадбирлардан наврўзинг тарихи, у билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг аҳамиятини кенг ёритиб бериш масаласидир.

Юртимизнинг хар бир гўшасида Наврўз ўзига хос тарзда нишонланади. Бирор гўша йўқки, она табиатнинг тўрт фасли ўз ҳусни тароватини намойиш этмаган бўлсин. Хар тўрт фаслда ҳам кўёш чарақлаб турса-да, барибир, бизда кўёш соғинчи яшайди. Қурган уйимиздан тортиб, ейдиган номимизгача, кийган кийимимиздан тортиб, тилимизда тутилган сўзларгача, барчасида кўёш билан боғлиқ қадим тасаввур изларини кўраемиз. Утов, тандир, нон, сўзана, дўппи ва хоказо. “Кўжармоқ”, “кўкат” сўзлари ҳам аслида кўёш сари юзланмоқ, кўёшга талпинмоқ маъноларини ифодалайди. Момоларимиз, боболаримиз севиб, эркалаб айтадиган “айланайин” сўзида ҳам аслида кўёшга бўлган ишонч ётади. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Биз кўёшни севаган, уни алқаб турли маросимлар уюштирган, кўшиқлар куйлаган, кўёшсиз ҳаётини тасаввур эта олмайдиган, меҳру муҳаббати ҳам кўёшда қайноқ элнинг фарзандларимиз. Наврўз аж-додларимизнинг ана шундай кўёшли кунларга бўлган соғинчини ифода этган, энг кўна ва қадимий бир байрамдир.

“Бу кун – фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу кун фаришталар яратилган. Бу кунни пайгамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу кун кўёш яратилган. Бу кунни шохлар ҳам қадрлайдилар, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир”, деб ёзади Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар” деб номланган асарид.

Сумалак, бойчечак, лола, гул сайллари ҳам Наврўз байрами тизimini ташкил этган. Наврўз кунни одамлар кўм-кўк қирларга, адирларга, тоғларга сайлга чиққанлар, табиат билан олашганлар, унинг гўзаллигидан, бетакорлигидан баҳраманд бўлганлар. Сумалак – баҳорнинг шифобахш, тансиқ ва шох таоми ҳисобланади. Сумалакни асосан аёллар тайёрлаб, қозон атрофида сўхбат қурганлар, чилдирма чалиб, уйин-култу, ҳазил-мутойиба қилганлар, ўз сўзлари, куй-қўшиқлари билан баҳорни – янги йилни алқанлар. Сумалак тайёр бўлган, уни тайёрлаганлар барчани сумалакхўрликка – сумалак сайлга тақлиф этишган.

Наврўз билан боғлиқ маросимларни кўздан кечирар эканмиз, унда асосан икки



УЛУСНИНГ УЛУГ АЙЁМИ

шилар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз кўёш, ой, юлдуз каби осмон ёриткичлари ҳаракатини кузатиб, улар ҳақида мукаммал билимга эга бўлганлар. Бу уларнинг кундалик, ҳўжалик, ижтимоий-сиёсий, маданий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Аслида Наврўз ҳақидаги мавсумий маросимлар ва қўшиқлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топган.

Наврўз байрами қадимда анъанага кўра тозарлиш, покланиш, янгиланиш удуמידан бошланган. Одамлар ўрталаридаги гина-қудуратларни унутганлар, бир-бирларига меҳр-муруватли бўлишиб, яхши тилаклар билдиришган, гуллар ҳадя этишган, бевабечораларнинг, беморларнинг ҳолидан хабар олишган, қабристонлар зиёрат қилиниб, ўтганлар руҳи шод қилинган, ҳашар уюштирилиб уй-махалла, қурт обод қилинган, боғ ва далаларга гул-кўчатлар экилган.

Бободехоннинг илк бор далага кўш чиқариши ҳам Наврўздан бошланган. Далага кўш чиқаришдан олдин у билан боғлиқ турли урф-одат, маросимлар ўтказилган. Қурбонликлар қилиниб, кўшга қўйиладиган ҳўкизларнинг шохи ёлганган. Бу “Шох мойлар” маросимидан мақсад йилнинг қўт-баракали келишига, тўқин-соқинлик бўлишига умид қилинган.

Қадимда Наврўз арафасида аждодларимиз етти хил экиннинг уруғини эккан ва унинг унинг чиқишига қараб йилнинг қандай келишини башорат қилган. Наврўз кунни етти хил таом тайёрланган. Булар кўк сомса, кўк чучвара, ҳалим, кўк ош, дўлма, сумалак ва хоказолар. Етти рақамига уруғ берилишининг ўз асоси бор. Чунки қадимда етти рақами муқаддас рақам ҳисобланган.

жihat яққол кўзга ташланиб турганини кўра-миз. Биринчиси, аждодлар руҳига бўлган ҳўр-мат ва эҳтиром, иккинчиси, ўлиб-тирилувчи табиатнинг жонли ҳолда тасаввур қилиниши ва улугланиши.

Наврўз пайти ўйналадиган “Оқ сўяк” ўйнида ҳам аждодлар руҳига бўлган эҳтиромни кузатамиз. Бу ўйин ҳақида Алишер Навоий ҳам ўз асарларида маълумот беради. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида бу ўйин бугунга қадар ўйналиб келинмоқда. У асосан эрта кўклам пайти, кечқурун ўйналган. “Оқ сўяк” ўйинининг айнан Наврўз пайти ва тунда ўйналишига сабаб, сўяк-аждодлар руҳи ёрдамида қиш-тунни ҳайдаб, қунга, баҳорга интилиш бўлган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айнан кўклам пайтида фасллар алмаши-нуви, табиатнинг қайта тирилиши, уни жонлантириш билан боғлиқ маросимлар, томошаларнинг ўтиши, ушбу маросимлар моҳия-тан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулотларини енгилаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни кўтлаб, унинг қўт-баракали ўтишини яратгандан сўраш, турли ўйин, ҳаракат, қўшиқлар асосида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб кўришга хизмат қилган.

Кўклам маросимининг таркибий қисми бўлган халқ ўйинлари кўна тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша анъана тарзда яшаб келаётганини халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоят юксак эканлигидан далolat беради.

Қадимий анъанага кўра, Наврўз асосан махсус сайлгоҳларда, қир-адирларда нишонланган. Байрам кунни эрта тондан қарнай-сурнайлар чалинган, жарчилар одамларни байрамга тақлиф этишган. Чавондозлар, пол-

вонлар, қизиқчи масҳарабозлар, бахшилар, қўшиқчи ҳофизлар, ўйинчи-раққослар байрам сайлга тақлиф буюрганларга ўз томошаларини намойиш этишган. Наврўз кунни одамлар сайлгоҳга – асосан қир-адирларга етиб келишган. Эрта тондан ҳамма уйдан олиб келган пиширик ва ширинликларни дастурхон ёхуд махсус қозонга солишган. Бу пишириклар асосан сумалак, кўк сомса, патири нон, қатлама, чучвара, кескан ош, палов, қайнатилган гўшт ва хоказолардан иборат бўлган. Бу қадимдаги “Қозон тўлди” маросимининг шу кўнга сақланиб қолган бир кўринишидир. Қадимда бундай махсус қозонлар муқаддас саналган ва улар асосан тоғлар эстагида ёхуд бир улкан дарахт остига қўйилган бўлиб, кўклам пайти маросимларда илоҳ-маъбудлардан ҳосилдорлик ва қўт-барак саўралиб, аждодларимиз томонидан қурбонлик қилиниб, пишириб келтирилган таом ана шу қозонларга қўйиб кетилган. Тарихчи Геродот ўзининг “Тарих” китобида скифларнинг ана шундай муқаддас қозони бўлганини ҳақида маълумотга кўра, скиф ҳўмдорларидан бири ўз аскарларининг сонини билиш учун уларга қамон ўқининг учини олиб келишни буюрган. Кейин эса тоғдай уюлиб кетган ана шу қамон ўқининг учларидан улкан қозон ясалган. Кейинчалик эса бу улкан қозонда тангриларга қурбонликлар қилиниб, турли хил таомлар пиширилганини ёзади. Амир Темури даврида асатилян улкан қозон ҳам бу идишнинг маросимларда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан далolat беради. Бугунги кунда республикамизнинг турли бурчақларида Наврўз кунни пишириладиган “сумалак”, “ҳалим”, “дарвешона ош” каби махсус таомлар ҳам улкан қозонларда пиширилади. Қозон қанча катта ва унда пишириладиган таом қанчалик кўп бўлса – йил яхши келиб, ҳосилдорлик, мўл-кўчлик бўлишидан далolat беради, деган тушуنча мавжуд. Бу эса “Қозон тўлди” маросими ҳақидаги қадим тасаввурларнинг ҳали-ҳамон яшаб келаётганини кўрсатади.

Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан сўнгги йилларда Наврўз ўзининг ана шундай қадимий анъаналарини тиклаган ҳолда халқимизнинг чинакам шодие-наси, халқ сайли сифатида нишонланиб келинмоқда.

Наврўзнинг келиши бу шунчаки табиатнинг яшашни, янгиланиши эмас, инсон онги ва тафаккурининг ҳам янгиланиши деганидир. Бу йилги Наврўзнинг хар бир тантанасида юртимизда юз бераётган ислохотлар билан бир қаторда, халқимизнинг онги, тафаккурида юз бераётган эвриликлар ўз ифодасини топади, деб ўйлайман.

Наврўз аслида янги кун, янги фасл, янги йил демек. Халқимиз орасида уни Йилбоши деб ҳам аташади. Наврўзни биз қайси ном билан атамайлик, у ҳақиқатдан ҳам миллатнинг улуг кун, тозарлиш, яшариш, янгиланиш, юксалиш байрами бўлиб қолаверади. Зеро, Президент қароридан таъйинланганидек, Наврўз бизнинг ўзлигимизни, олис тарихдан то бугунга қадар қандай халқ эканлигимизни ўзида намоеён этиб, халқимиз билан бирга яшаб, яшариб, бирга улугланиб келинаётган байрамларимиздан биридир.

Жаббор ЭШОНКУЛОВ,
филология фанлари доктори

“101”

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК!

Ёнгин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган дахшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнгин.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларимизга эътибор бермаслигимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзага келаётганини кўрсатади. Шу сабабли хар доим қоидаларга амал қилишни унутманг!

Сирож МИРЗАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносида ЎХТТЭ 1-бўлинмаси ЁН ва ПБ инспектори, сержант

Фарзандларимиз – бизнинг келажагимиз. Шундай экан, хар биримиз уларни хонадонларда ёлғиз қолдирмасликка эътибор қаратишимиз лозим.

Ёнгин яъни “тилсиз ёв” нима оқибатларга олиб келиши тўғрисида тушунтириш даркор. Шунинг учун Ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари барчага фарзандларинизга эътибор бериш ва бепарволикка йўл қўймасликни сўйиб қолади.

Илхом БЕКЖАНОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ВМ аппарати Хукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида ЎХТТЭ ЁН ва ПБ инспектори, лейтенант

Олов – “тилсиз ёв”. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамиша ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Бугун жаҳонга юз тутаётган мамлакатимиз бойликларини, табиат ва шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқароларини ўт балосидан асраш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки ҳаммамнинг бурчидир. Ёнгинларни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осон, бунга эса эҳтиёт чикармаслигимиз зарур.

Абзалхўжа РАҲМАТХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси Маъмурий биналарида ЎХТТЭ 1-бўлинмаси ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар

Табиий газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан инсонларнинг озгина эътиборсизлиги натижасида катта таъширлар келтиради.

Уйни иситиб турадиган, таомлар пишишига ёрдам берадиган олов ёнгин талафотига айланиб кетмаслиги учун ёнгин хавфсизлиги хизмати доимо курашиб келинмоқда. Соҳа ходимлари фуқароларга хилма-хил равишда тарғибот ишлари ўтказиб, олов ўз жиловидан чиқиб кетганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва бунинг олдини олиш учун нималарга риоя қилишларни тушунтириб ўтмоқдалар. Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилиш мўҳимлигини унутманг.

Суннатилла ДАДАБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хукумат уйи биносида ЎХТТЭ ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант

Моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёнгин офатидан ҳимоялаш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган.

Фуқаролар томонидан йўл қўйиладиган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, ёнгин инсонлар ҳаётига зарар келтириши ҳуусида сўхбатлар ўтказиб келинмоқда.

Лекция профилактик тадбирларга айрим лоқайд фуқароларимиз тўғрисида ёнгинлар содир этилмоқда. Шу ўринда ёнгинларнинг олдини олишда барча бирдек масъул эканлигини эслатиб ўтамиз.

Азиз ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис биносида ЎХТТЭ ЁН ва ПБ инспектори, лейтенант

Содир бўлаётган ёнгинларни ва улاردан қириладиган зарарларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга ўзимизнинг бепарқлигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига амин бўлаемиз.

Кундалик турмушимизда турли кўнглисизликларнинг олдини олишда огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Оддийгина кўнчликлар, кундалик ҳўшёрликни ошириш ана шу офатнинг келиб чиқмаслигининг асосий омилдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёнгин чикармаслигининг асосий омилли – огоҳликни қўчайтиришимиз керак.
Исроил МАҲАМАДЗКИРОВ,
Яққасарой тумани ФВБ П ва НБ инспектори, лейтенант

Ёнгин – “тилсиз ёв”. Ундан ҳамиша эҳтиёт бўлиш учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш зарур. Халқимиз хар қачон “Сув балосидан, ўт балосидан ўзинг асра” деб сўрамайди. Бирок бунинг замирида хар бир кишининг ўз амалий ҳаракати ётмоғи даркор.

Ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдликка, бепарволикка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек халқ таълими тизими шохобчаларида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Ёнгинларни ўчиришдан кўра уларнинг олдини олиш осон, бунга эса ҳеч қачон эҳтиёт чикармаслигимиз зарур.

Элмурод ШЕМИРОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ 22-ЎҚК ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда қоидаларга риоя қилмаслик ёнгинларни юз беришига сабаб бўлмоқда.

Ачинарлиси қўйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўсмирлар ташкил этади. Шундай экан бундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимолли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнгиннинг олдини олган бўлаемиз.

Фархат ТУРДИЕВ,
“Бунёдкор” стадиони ФВБ ёнгиндан муҳофаза қилувчи ва профилактик ишлар олиб борувчи мутахассиси, оддий аскар

Кўнглисиз ҳодиса қимнингидир бепарволиги оқибатида келиб чиқиши ҳеч қимга сир эмас.

Аҳоли уйидаги газ ва электр тармоқларида юзага келган носозликларга жиддий қарашни, уларни ўз вақтида тузатишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўз навабатида ёнгин хавфини анча қамайтиради. Бу борада маҳалла фоллари, профилактика инспекторлари ҳудуд аҳолиси билан ҳамкорликда иш олиб боришга яхши натижаларга эришиш мумкин.

Эшлод ФАТХУДИНОВ,
Яққасарой тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта сержант

Тиббиёт

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИГА КИМЛАР МАСЪУЛ?

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, даволаш қийин бўлган бу турдаги беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ этиш зарурлиги айтилган эди. Шу боис, мамлакатимизда қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитасининг йўғилишида соҳада айни йўғилишда амалга ошириладиган ишларни янада қучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда, шунингдек, Президентимиз томонидан шу йил 11 март кунини ўтказилган мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокама-сига бағишланган йўғилишда белгиланган вазифалар соҳа мутасаддилари, депутатлар иштирокида атрофликча кўриб чиқилди.

Аҳоли саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш учун, энг аввало, тизимли иш ташкил қилиниши кераклиги қайд этилди. Бу ўринда касалликни даволаш эмас, балки унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу вазифа эса бир қанча йўғилишларни ўз ичига олади. Яъни, тўғри овқатланиш, атроф-муҳитнинг салбий таъсири-ни қамайтириш, аҳолида жисмоний фаоллигини яхшилаш, энг аввало, хар бир фуқарода ўз саломатлиги ва оила аъзоларининг соғли-

гига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш ҳамда тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.


Шунинг учун ҳам депутатлар билан биргача, айниқса, қишлоқларда бирламчи тиббий тизим фаолияти профилактика ишларига йўғалтирилиши шарт, деган ғояни илгари сурмоқда. Мамлакатимизда хар бир ҳудуднинг иқлим шароити, турмуш тарзи ва имкониятлари турлича. Шу сабабли аҳоли саломатлигини яхшилаш режалари хар бир ҳудуд ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда тузилиши керак.

Йўғилишда аҳоли ўрта-сида хар йили ўтказиладиган режали тиббий кўриқлар аҳамиятига эътибор қаратилди. Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда бундай тиббий кўриқлардан аҳоли тўлиқ қаноатлана олмаёпти. Чунки ҳавф гуруҳидаги аҳоли вакиллари ва соғлом аҳоли бир хил тарздаги тиббий кўриқ билан қамраб олинмади. Тиббий кўриқлар самарадорлигини яхшилаш учун аҳоли саломатлик кўрсаткичларига асосан тиббий кўриқлар ҳажми турлича бўлиши мақсадга мувофиқ.

Аҳоли саломатлигига жиддий таъсир қиладиган омиллардан яна бири бу – озик-овқатлар сифати ва овқатланиш тартибидир. Афсуски, бугунги кунда мана шу жиддий омилга етарли эътибор берилмаёпти. Аҳолимизда овқат рациони ва овқатланиш тартибига риоя этилмагани оқибатида турли касалликлар, масалан, қон босими, юрак хасталиклар, қандли диабет, бўйрак касалликлари учрамоқда.

Иштирокчиларнинг асосий эътибори саломатликни болаликдан асраш кераклигига қаратилди. Шу боис болаларнинг доимий тиббий назоратини ўтказиш зарур. Бу эса уларни касаллик аниқланган вақтда эрта ташхис қўйиш ва даволаш ишларини тизимли ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Болалар ўртасида паразитларга қарши кураш, рахит касаллигининг олдини олиш, иммунологик статусини барқарор сақлаш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш уларнинг соғлом бўлиб қамолга етиши учун асос бўлади.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
ЎА муҳбири



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўғлаган Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш ва 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари иштирокида “Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бирга қураимиз” мавзусида учрашув ташкил этилди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раис ўринбосари, сенатор Д.Тошмухаммедова, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Д.Раҳимова, “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгаши раиси Э.Саъдуллаев, “Ёшлик” шаҳарчаси ҳокими Қ.Шонозаров, Тошкент давлат техника университетининг проректори М.Атамуратов ва шаҳарча ҳудудида жойлашган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талаба-ёшлар қатнашди.

Тадбирдан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда қонунларга бўлган ҳўрматни қучайтириш, шунингдек, бугунги кунда турли соҳаларда олиб бориладиган ислохотларининг қай даражада халқ ва

ёшлар манфаатига хизмат қилаётганлигини тушунтиришдан иборатдир.

Ёшлар билан очик мулоқот тарзида ташкил этилган тадбир муҳокама ва мунозараларга бой бўлди. Ёшлар томонидан берилган саволларнинг ҳеч бири жавобсиз қолмади. Бу эса бугунги кунда Президентимиз томонидан олиб бориладиган сиёсатда сўз эркинлиги ўз ўрнига эга эканлигининг яна бир исботидир. Тадбир сўғида талаба-ёшлар томонидан билдирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, бу каби учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш, ёшларни қийнаётган масалалар юзасидан сенатор ва Олий Мажлис депутатлари ҳам бирдек масъул бўлишлари таъкидлаб ўтилди.

Зайдулло САЪДУЛЛАЕВ,
Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши депутати

Спорт

БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

Иордания пойтахти Амман шаҳрида бокс бўйича Осиё/Океания минтақалари учун Токио Олимпиадасига йўланма берувчи турнирнинг вазни 91 килограммдан оғир бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасида амалдаги жаҳон чемпиони, терма жамоамизнинг энг ишончли аъзоларидан бири Баҳодир Жалолов XXXII Олимпия ўйинлари йўланмасини қўлга киритди.

Баҳодир Жалолов 1994 йилнинг 8 июль куни Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида дунёга келган. Оиладаги муҳит Баҳодирда болалигидан спортга қизиқиш уйғотди. У дастлаб футбол билан шуғулланди. Сўнгра отаси ўн уч ёшли ўғлини Чирчиқ олимпия захиралари коллежига олиб борди ва у ерда мураббийлари Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличевдан бокс сирларини ўрганди.

Тажрибали мураббийлардан чарм қўлқоп сир-асрорларини ўрганган Баҳодир 2009 йили Жиззахда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида қумуш медалга сазовор бўлди.

Ёшлар ўртасида вилоят ва мамлакат микёсидаги мусобақаларда маҳорат оширган боксчиси 2013 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритади ва қаторасига уч йил мамлакат биринчилигида голиб бўлади.

Б.Жалолов халқаро майдондаги дастлабки муваффақиятларига 2013-2014 йилларда эришади. У Германия, Болгария, Беларусь, Озарбайжон сингари давлатларда ўтган бир қатор халқаро турнирларда голиб ва совриндорлар қаторидан жой олади.

2015 йили Катарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатининг вазни 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар баҳсида бронза медалини қўлга киритди. 2016 йили Хитойда ўтказилган Олимпиадага йўланма берувчи нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, Бразилияда ўтган XXXI ёғли Олимпия ўйинлари иштирокчисига айланади ва Ўзбекистон делегациясининг байроқдори бўлади. 2017 йили Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди ва бир қатор халқаро турнирларда иштирок этди.

Ҳаваскор боксда кетма-кет муваффақиятларга эришган Баҳодир тажрибасини янада ошириш мақсадида 2018 йили профессионал боксга ўтади. У шу йилнинг ўзида АҚШнинг

"Fight Promotions" промоуторлик компанияси билан шартнома имзолайди ва ҳозирги кунга қадар олти жанг ўтказиб, уларнинг барчасини галаба билан якунлади.

Истеъодли боксчимиз учун 2019 йилги спорт мавсуми ҳам омадли келди. У дастлаб Таиланднинг Бангкок шаҳрида апрель ойида ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Сўнгра сентябрь ойида ўтказилган жаҳон чемпионатида тенгсиз эканини исботлади.

Бу улкан галаба Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан муносиб баҳоланди ва 2019 йил 27 сентябрда Б.Жалолов "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёғли Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори спортчимизнинг бу каби улкан ютуқларини қўлга киритишида муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Президентимизнинг биз, спортчиларга билдираётган катта ишончи, халқимизнинг қўллаб-қувватлаши муваффақиятларимизда асосий омил бўлмоқда, - дейди Б.Жалолов. - Мамлакатимизда спортчиларга кенг имкониятлар яратилаётгани ва улкан эътибор қаратилаётгани бизга янада куч-ғайрат бағишлайди. Энди менинг оразим Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини баяндаган кўтариб, олтин медални қўлга киритишдир.

Дарҳақиқат, бугун дунё ўзбек спортчиларининг улкан ютуқларини тан олмақда. Бунинг барчаси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва ёшларнинг Ватан довуғини доимо юксалтиришга интилиши сабаблидир. Ишонмазми, Баҳодир Жалолов ва бошқа спортчиларимиз кунчиқар юртда ўтадиган Олимпия ўйинларида юксак натижаларни қайд этади.

Жавоҳир ТОШХУҲАЕВ



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

Миробод туманидаги 125-мактабда таълим масканининг устоз-мураббийлари ўртасида спорт эстафеталари ўтказилди.

Аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил қилинган спорт мусобақасида иштирокчилар чاقқонликларини намойён этишди. Волейбол, эстафета баҳслари иштирокчилар ўртасида ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлади, дейиш мумкин.

Жисмоний маданиятни шакллантириш фан ўқитувчиларининг асосий мақсадимиз ҳисобланади. Ўқувчилар билан бирга мураббийлар ўртасида ўтказилаётган бу каби мусобақалар соғлом турмуш тарзини янада қўлч ёйишида ўзига хос аҳамият касб этади. Устозларнинг соғлом ва маънан етук авлод тарбиясида амалга ошираётган бу каби ишлари келгусида ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Мусобақалар сўнггида фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди. Дариҳа КҮШБОЕВА

МИЛЛИЙ ТЕАТРНИНГ МАҲАЛЛАГА ТУҲФАСИ

Президентимиз илгари сурган 5 та ташаббус бўйича мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан Тошкент шаҳрининг Юнусовд туманидаги Исломобод, Тикланиш, Ҳасанбой, Катта Ҳасанбой, Шарқ ҳақиқати маҳаллаларида истикомат қилувчи кам таъминланган, кўвчисини йўқотган ва имконияти чекланган оилаларга драматург Эркин Хушвақтовнинг "Кўнги" комедияси бе-пул намоиш этилди.

Спектакль намоишидан аввал маж-кур театр директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатҳулла Маъсудов санъат мухлисларини янгилианиш ва яшарли фасли бўлиши баҳор ҳамда Наврўз байрами билан қўтлади.

Томошабинларга маънавий-руҳий озуқа улашишда, эстетик дидини шакллантиришда театрнинг ўрни беқийёс, - деди театр директори Фатҳулла Маъсудов. - Театр - маърифатхона, ибратхона. Агар биз - санъаткорлар ижод маҳсулларимиз билан томошабинлар кўнглини хушуд этаётган, сахна асарларимиз билан эъ улашаётган бўлсак, зиммамиздаги вазифани бажараямиз.

Аёл, покиза туйғуларининг қадрига етишдек эзгу гоё сингдирилган ушбу спектакль томошабинларга қувонч, кўтаринки кайфият бағишлади. Н.УСМОНОВА

этаркан, йўл-йўлақай чўнтағидаги телефонларни сувга улоқтирди... Бировни ўлдирди ҳисобига олинган 500 АҚШ доллари ва 110 минг сўм пул айш-ишрат йўлида ишлатиб юборилди.

Қотиллик содир этилган куннинг эртасига Саида гўё "Уйга ўғри тушди, эримни кимдир ўлдирди кетди", дея аяханнос солди.

Табиийик, маҳаллада ўз одоби билан ном чиқаган қувёнинг номаълум кимса томонидан ўлдирилиб кетилиши маҳаллада шов-шув бўлди. Бутун шаҳар оёққа турди. Тезкортергов гуруҳи тузилиб, кидирув ишлари бошланди. Воқеага алоқадор, шубҳада бўлган инсонлар борки, сўроққа тутилди. Саида ҳам терговчилар назаридан қолмади. Шубҳагумонлар ўз натижасини берди. Воқеанинг иккинчи куни жиноят очилди. Хуқуқчи муҳофаза қилувчи орган ходимлари Ботир Ҳайдаровни хибсга олишди.

Судланувчилар С.Абдуллаева ва Б.Ҳайдаровнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "н" бандида назарда тутилган қасддан одам ўлдирди, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирдида ифодаланган жиноятнинг содир этган деб топилди. Суд "ака-сингли" қариндошларга қонунда белгиланган муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Одам ўлдиргани шунчаки ўйин деб билган йигитча ва бировнинг ҳасми бўлган келинчақнинг умри энди қамоқда ўтади. Хўш, қамоққа равона бўлган ошқ қотиллар бу ишлари уларнинг пешонасига бир умр тамга бўлишини, ота-онасининг юзини ерга қаратганини билишармикми? Бир ёш йигитнинг умрини ҳазон қилганини-чи? Фарзанд доғида қолган ота-онани-чи? Тўғри, улар бу нарсаларни ҳис қилиб кўришга ҳам қодир эмас. Чунки уларнинг қалби муҳаббатнинг қора рангига бурканиб бўлган эди. Энди эса вақт уларни жазолаши, азоблаши муқаррар...

З.КАМОЛОВ, З.ШАРИФЖОНОВ, журналист

Қилмиш - қидирмиш

ЎЗ ЭРИНИНГ ҚОТИЛИГА АЙЛАНДИ

"Муҳаббатнинг кўзи кўр", дейишади. Албатта, бу яхши кўрган инсоннинг бирор камчилигини эътибордан четда қолдирганинда сенга панд сифатида уқтирилади. Аммо ана шу кўзи кўр муҳаббат сени жиноятга бошласа, бу туйғуни муҳаббатга боғламаган маъқул экан...

Саида билан Ботир (исм-шарифлар ўзгаририлган) ёшлиқдан бирга катта бўлишди. Зеро, улар даярли тенгдош ва қариндош эди. Табиийи, Саида воёга етган, унга совчилар кела бошлади. Ота-онаси уни яхши оила экан деб, биринчи келган совчиларга бериб юборди. Бошидан келинчақ ёт уйга кўнжа олмади. Турмуш ўртоғига кўнги бўлмади. Телефон сабаб эса ўрталарида келишмовчилик келиб чиқди. Натижада қувё келинча қўл кўтаришга борди.

Бунинг "ҳазм қила олмаган" келинчақ қариндоши Ботирга телефон қилиб, эри билан келиша олмайгани ва ажралиши ҳақида гапирди. Ботир ҳам қариндошига ажралиши кераклигини уқтирди. Шундан кейин қариндош "ака-сингли" кўнра телефонда гаплашиб турадиган бўлди. Орадан ҳафта ўтиб, Ботир ва Саида кўришди. Саида яна эридан нолиб, Ботирдан ёрдам сўради. Ботирнинг режасини эшитган эса келинлик ҳовлисидаги оила аъзоларининг қаерда ухлаши, қайси ҳонада одам бўлишини бирма-бир тасвирлаб берди.

Эндиги вазифа Ботирнинг зиммасида қолганди. У одам ўлдиргани режалаштираётган эди. Ўзинча режасини лийшган бўлиб, Саидага "Эртага тайёр тур, уларингга бораман" дейишни унутмади.

Эртаси куни шомга яқин Ботир йўлга тушди. Нимагадир аъзои баданини қалтироқ босди. У илгари ҳеч бунақа ҳолатга тушмаганди. Шунинг учун дорихонага кириб ниқоб ва дори

сотиб олиб, ҳаммасини бирварақайга ичиб юборди. Сўнг хўжалик моллари дўконига ўтди. У ердан қўлқоп харид қилиб, такси тўхтатди ва борар манзилини айтди.

Бу орада соат 19:30 га яқинлашганди. Ботирни Саида-нинг ўзи кутиб олди ва уни меҳмонхонага жойлаштирди. Хуллас, "кувёни йўқ қилиш" операцияси бошланди. Аввало, ҳонадаги тилла тақинчоқлар "йўқотилди". Сўнг Ботир меҳмонхонада турган дазмолнинг симини узиб олди, гўё ўғирликча тушгандек, ўзини химоя қилгандек таассурот қолдириш учун. У қувёнинг келишини ва ухлашини кутарди. Тунги соат 00:10 лар. Кимдир ётоқда ётган келин-қувёнинг устига бостириб келиб, кўтилмаганда йигитнинг юзига ура бошлади. Ҳамма нарсани билиб ётган келинчақ эса эрининг овозини ўчириш учун ёстик олиб унинг юзига босди.

Қувё қочинишга тутинганда Ботир уни қўлидаги сим билан бўға бошлади. Орадан бироз ўтиб Шоқосим (Саиданинг эри) ерга йиқилди...

Шундан кейин Ботир уйни остин-устун қилди. Шақфадаги пуллари оларкан, бир қисмини ўзига олди, қолганини Саидага берди. Тумба устида турган қиммат қўл телефонини эса чўнтағига солди. Саида ўзига тегишли қўл телефонини ҳам Ботирга узатди. Чунки жиноят изларини ҳеч ким тополмаслиги керак-да. Ботир ишини битириб, тезда уйни тарк

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Тошкент ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофаза қилиш коллежи томонидан 2017 йилда Абдуллаева Муслима Тўхтасин қизи номига берилган № 535 рақамли ўқувчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтохур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган яққа тартибдаги тадбиркор (СТИР 498060552) Алланазаров Мирали Алишеровичга тегишли думалок муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 21.05.2019 йилда № 725432 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "OMAD QANOAT" ХК (СТИР 306439824) таъсисчиларнинг 10.11.2019 йилдаги № 3-буйруғига асосан ТУГАТИЛАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан Эргашов Жамол Худойберди ўғлига 2015 йилда берилган № 0590 рақамли рейтинг дафтари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри М.Улғабек тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 14.04.2009 йилда № 004619-04 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ERKTUR KURILISH" ХК (СТИР 301143730) таъсисчиларнинг 18.02.2020 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан Ирискулов Бегзод Боҳодир ўғлига 2018 йилда берилган № 2095 рақамли рейтинг дафтари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан Сайдуллоев Ворис Забиҳиллох ўғлига 2016 йилда берилган № 0890 рақамли рейтинг дафтари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан Азизов Абдор Аваз ўғлига 2017 йилда берилган № 1830 рақамли рейтинг дафтари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Х.Сирожиiddинов номи академик лицейи томонидан Даминов Шодибек Тоғаймуродович номига 2005 йилда берилган L № 020475 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмасор туман кадастр хизмати томонидан Олмасор тумани, Беруний Б-1, 9-уй, 9-хонадон эгаси Ярманов Каримберген номига берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ